Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
3-noyabr,
seshanba
№132
(5352)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев меҳнат миграцияси ҳамда хорижда ишлаш истагидаги аҳолини тил ва касбларга мақсадли ўқитиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Жаҳон меҳнат бозоридаги талаб ўзгариб бормоқда. Бугун дунёда 168 миллион киши хорижий меҳнат миграциясида. Бир томондан, мамлакатимизда чет элда ишлаш истагидаги фуқаролар бор, иккинчи томондан, қатор давлатларда малакали ишчи кучига эҳтиёж ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу имкониятларни ўзаро боғлаш, фуқароларни аниқ иш ўринларига тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз чет тилларини билиш юқори даромадли иш топишнинг асосий шартларидан бири эканига эътибор қаратди.

Йиғилишда хусусий бандлик агентликлари фаолияти ҳам таҳлил қилинди, хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлиги масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизга келаётган хорижий ишчи кучини тартибга солиш ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистонда узоқ муддат яшаётган чет элликлар сони 250 мингга яқинлашган. Улардан 36 минг нафари ишлашга рухсатнома олган, 24 минг нафари талаба. Қолганларнинг бандлиги ва даромад манбалари ҳақида аниқ маълумот бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, янги иш ўринларига биринчи навбатда ўзимизнинг фуқароларни жойлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилиш давомида соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар билан мулоқот қилинди, ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

* * *

«INTIL» МАРКАЗИДА ХОРИЖДА ИШЛАШГА МАҚСАДЛИ ТАЙЁРГАРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН

Президент Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги «Intil» халқаро тил ва касбга ўқитиш маркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарига марказнинг имкониятлари, таълим дастурлари ва хорижлик ҳамкорлар билан йўлга қўйилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз тил ва касбга ўқитиш хоналаридаги машғулотлар билан танишди, имтиҳон хоналарини кўрди.

Давлатимиз раҳбари чет эллик иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, номзодларни саралаш, тил ва касбга ўқитиш ҳамда ишга жойлаштиришга кўмаклашишни бирлаштирган ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш юзасидан тавсиялар берди.


ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ҲУДУДЛАРИДА ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон қадрини улуғлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам фаол иштирок этиб, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш ва тизим фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этишга қаратилган қатор йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда.

1 ноябрь куни Федерация раҳбарияти, тармоқлар кенгашлари раислари, тизим масъуллари ва фаоллари, оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик вакиллари Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида қурилиши жадал давом этаётган замонавий Сув спорти саройи ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси боғида бўлишди. Шу куни Янги Тошкент шаҳрида Федерациянинг янги маъмурий биноси ва кўп тармоқли мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйилди. Мазкур лойиҳалар нафақат кўлами ва меъморий ечими, балки халқимиз, айниқса, ёш авлод учун яратадиган имкониятлари билан ҳам аҳамиятлидир.





Қувончбек ТЎРАЕВ олган суратлар



ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ЯНГИ БИНОСИГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛДИ

Касаба уюшмалари тизимидаги муҳим бунёдкорлик лойиҳаси Янги Тошкент шаҳрида амалга оширилмоқда. 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни байрами арафасида Федерациянинг янги маъмурий биноси ва кўп тармоқли мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйилди.

Тантанали тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилаётган Янги Тошкент шаҳрининг яна бир янги меъморий мўъжизаси сифатида қад ростлайдиган ушбу мажмуа бугунги кунимизни шонли тарихимиз ва нурли келажагимиз билан боғлайдиган, касаба уюшмалари аъзолари учун ғурур ва ифтихор бахш этадиган манзилга айланиши эътироф этилди.

Лойиҳага мувофиқ, тўққиз қаватли асосий бино, унга уйғун тарзда туташган конгресс-холл ва бутун ҳудуд остини эгалловчи ер ости автотураргоҳидан иборат мажмуа Федерация марказий аппарати ва тизим ташкилотлари учун хоналар, меҳмонхона, ресторан, музей, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат бўлади.

Бинонинг марказий кириш қисми муҳташам пештоқ билан ажратилиб, конгресс-холлнинг миллий нақшли металл қопламалари ва кечки ёритиш чироқлари мажмуага ўзгача кўрк бағишлайди.

Умумий майдони 2,78 гектардан иборат ер участкасининг қарийб 16,2 минг квадрат метри ободонлаштирилади, шундан 6,5 минг квадрат метрдан зиёд майдонда шинам ва яшил ҳовлилар ҳамда парклар барпо этилади. Бир вақтнинг ўзида 1000 нафар иштирокчини қабул қила оладиган 3 та муҳташам зал (700, 200 ва 100 ўринли) халқаро форумлар ва анжуманларни юқори савияда ўтказиш имконини беради. Халқаро ва маҳаллий меҳмонлар учун 104 та икки кишилик (208 ўринли) шинам хоналар хизмат қилади.

Янги Тошкентнинг энг муҳим маъмурий кварталида қад кўтарадиган мажмуанинг ён-атрофида Таълим ва илм-фан вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бош прокуратура бинолари жойлашиши кўзда тутилган. Бу давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги интеграция ва ҳамкорликни янада кучайтиради. Энг муҳими, ушбу мажмуа оддий маъмурий бино эмас, балки касаба уюшмалари тизимининг кўп қиррали фаолиятини бирлаштирувчи замонавий марказ бўлиши кутилмоқда.

НУРАФШОНДА СУВ СПОРТИ САРОЙИ

Нурафшон шаҳридаги «Нурафшон бизнес сити» ҳудудида эса янги Сув спорти саройи қад ростламоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Ҳайдар Фозилов иштирокчиларга объектнинг қурилиш жараёни, архитектураси, техник имкониятлари ва истиқболдаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.





Таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2024 йил 14-15 октябрь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқлари асосида амалга оширилаётган, умумий майдони 1,6 гектардан зиёд бўлган мазкур лойиҳанинг қиймати 143,65 миллиард сўм бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси ва маблағлари ҳисобидан барпо этилмоқда. Бу ерда сув спортининг сузиш, сув полоси ва баландликдан сакраш турлари билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилади. Жумладан, асосий сузиш ҳавзаси йирик мусобақалар ўтказишга мўлжалланган. Баландликдан сувга сакраш учун алоҳида ҳавза қурилиб, беш, етти ярим ва ўн метр баландликдаги платформалар ҳамда трамплинлар билан жиҳозланади. Болалар учун иккита махсус ҳавза, қуруқликда машғулот ўтказиш хоналари ва спорт заллари ташкил этилади. Томошабинлар учун 501 ўринли трибуналарнинг барпо этилиши эса саройнинг республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни қабул қилиш имкониятини оширади.

Спортчилар машғулотлардан ташқари вақтда саломатлигини тиклаши ва жисмоний тайёргарлигини ошириши учун ҳам зарур шароитлар кўзда тутилган. Хусусан, тиббиёт пункти, мураббийлар хонаси, кийиниш ва душ хоналари, фин саунаси, турк ҳаммоми, фитобар ҳамда сув сифатини назорат қилиш лабораторияси фаолият юритади.

Лойиҳада ҳудуднинг мураккаб муҳандислик-геологик хусусиятлари алоҳида ҳисобга олинган. Ер ости сувлари юқорида жойлашгани сабабли махсус ёпиқ горизонтал дренаж тизими ўрнатилиб, сифатли гидроизоляция қилинган.

Энергия самарадорлиги ва қулай микроиқлимни таъминлаш мақсадида қуввати 3,45 мегаватт бўлган газ қозонхонаси, соатига 90 минг куб метр ҳаво етказиб бериш имкониятига эга вентиляция тизими қурилади. Бино томига ҳар бири 580 ватт қувватли 180 дона қуёш панели ўрнатилади.

Айни пайтда ерости ва асосий конструктив ишлар якунланиб, ерусти конструкциялари ҳамда том устини монтаж қилиш ишлари бошланган. Томнинг металл фермалари ўрнатилмоқда, сэндвич-панеллар ва зарур пардозлаш материаллари буюртма қилинган. Ҳавзалар учун зарур ускуналар 2027 йил бошида объектга етказилиши кутилмоқда.

Бу Федерация томонидан барпо этилаётган тўртинчи йирик сув спорти мажмуасидир. Ҳозирга қадар Наманган шаҳридаги «Океан», Тошкент шаҳридаги «Яккасарой» ва Қарши шаҳридаги «Қарши» сув спорти мажмуалари фойдаланишга топширилган.

«ЯШИЛ МАКОН»НИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

Бугун ерга қадаётган ниҳолларимиз эртага соя-салқин берадиган дарахтларга, йиллар ўтиб мўл ҳосилли боққа айланади. Шу маънода, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари нафақат ҳозирги кун, балки келажак авлодлар фаровонлиги учун ҳам хизмат қиладиган хайрли ташаббусдир.

Касаба уюшмалари фаоллари, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари Нурафшоннинг «Қумариқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси боғида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар билан танишдилар.

Ташриф давомида боғнинг бугунги қиёфаси, мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар парваришига эътибор қаратилди. Майдонларни кенгайтириш ва боғни янада обод масканга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йил 29 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 125 миллион туп кўчат экиш вазифаси белгиланган эди. Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг тегишли қарори билан тизимдаги барча ташкилотларда 1 апрелдан 10 майга қадар «Долзарб 40 кунлик» эълон қилинганди.

Нурафшон шаҳридаги мазкур боғ ҳам ана шу эзгу ташаббуснинг амалий натижаларидан биридир. Қарийб 11 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда мевали ва манзарали дарахтлар, турфа гуллар, шунингдек, турли сабзавот, полиз экинлари етиштирилмоқда. Бу ерда яшиллик ва ҳосилдорлик, ободончилик ва меҳнат самараси ўзига хос уйғунлик касб этган.

Боғнинг аҳамияти фақат мавжуд дарахт ва экинларни парваришлаш билангина чекланмаслигини яхши англаган «Касаба обод макон» МЧЖ масъуллари қатор ишларни режалаштиришган. Жумладан, келгуси йил баҳоридан юртимиз иқлим шароитига мос кўчатлар етиштириш учун махсус питомник ташкил этишни мақсад қилишган. Айни пайтда бу борада тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, боғнинг бир қисмида махсус иншоот барпо этиш учун темир устунлар ўрнатилган.

Танишув жараёнида ободлик ўз-ўзидан рўй бермаслиги, кеча экилган кўчатлар бугун бақувват дарахтларга айлангани, бунинг замирида бирдамлик ва фидокорона меҳнат туриши, Федерация боғи ҳам эзгу ташаббуслар, меҳнат ва ободончилик мужассам бўлган гўзал масканлардан бирига айланаётгани алоҳида таъкидланди.



...Нурафшон ва Янги Тошкентда амалга оширилаётган лойиҳаларни ягона мақсад – халқ ва жамият фаровонлигига хизмат қилиш ғояси бирлаштириб туради. Дарҳақиқат, касаба уюшмалари фаолияти фақат меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан чекланмайди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг жисмоний камолоти учун шароит яратиш, атроф-муҳитни асраш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳам тизим олдидаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Зеро, ҳақиқий бунёдкорликнинг қадри унинг кўлами билангина эмас, балки одамлар ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар ясаши, қандай имкониятлар яратиши билан белгиланади. Бугун қад ростлаётган иншоотлар, яшнаётган боғ ва амалга оширилаётган ташаббуслар ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

МАРКАЗИЙ ОСИЁ «КАТТА ЎЙИН» ОБЪЕКТИ ЭМАС

Содиқ Сафоев Самарқанд учрашувлари, Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари ва минтақанинг янги мавқеи ҳақида

3-саҳифада ўқинг...

Қуйидаги QR кодни сканер қилинг ва суҳбатни «Ishonch»нинг YouTube даги саҳифасида кўринг:

YUZMA-YUZ

ШУ КУНЛАРДА СЕНЕГАЛНИНГ ДАКАР ШАҲРИДА IV ЎСМИРЛАР ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ХУШХАБАР

ЎЗБЕКИСТОН СУЗИШ СПОРТИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА



Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Муҳаммадисмоил Раҳмонов

200 метрга брасс усулида сузиш баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб,

бронза медалини қўлга киритди.

Бу делегациямиз учун мазкур мусобақадаги дастлабки медаль бўлиш билан бирга, Ўзбекистон тарихида ўсмирлар Олимпия ўйинларида сузиш бўйича қўлга киритилган илк медаль экани билан ҳам аҳамиятлидир.

Муҳаммадисмоил финалда 2:15.79 дақиқа натижа қайд этиб, учинчи ўринни эгаллади. Шу тариқа у мамлакатимиз сузиш спорти тарихида янги саҳифа очди.

200 метрга брасс усулида сузиш беллашувида қайд этилган натижалар:

1-ўрин – Иори Миязаки (Япония) – 2:12.33

2-ўрин – Домас Вилимас (Литва) – 2:13.50

3-ўрин – Муҳаммадисмоил Раҳмонов (Ўзбекистон) – 2:15.79

Ўз мухбиримиз

МОНИТОРИНГ

Меҳнат муносабатларида қонунийлик ҳамда адолат мезонларини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун муносиб шарт-шароитлар яратилганини назорат қилиш, болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш касаба уюшмалари олдидаги энг муҳим вазифалардандир.

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни кунларда Навоий вилоятининг бешта туманида Миллий мониторинг тадбирлари фаол ўтказилмоқда. Бу жараёнларда фақат кузатув ишлари билан чекланилмай, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Мавсум бошидан 26 октябрга қадар вилоят бўйича жами 74 та фермер хўжалигига борилиб, қатор муаммолар ижобий ҳал этилди. Хусусан, Навбаҳор туманидаги «Абдураҳмон – Фурқат келажаги» ва «Лазиз Файз» фермер хўжаликларида 103 нафар теримчига ўз вақтида тўланмаган 71 миллион сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Шунингдек, Кармана туманидаги «Абдураҳмон» фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 85 нафар теримчининг 83,5 миллион сўмлик меҳнат ҳақи тўланиши таъминланди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, миллий мониторинг хўжакўрсинга эмас, балки қонунлар ижросини таъминлаш ва ҳар бир меҳнаткашнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ўтказилмоқда.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

ЭЪТИРОФ

ҚИБРАЙДАГИ ЖАННАТМОНАНД МАСКАН

«Ботаника» санаторийси 60 ёшга тўлди

Сиҳатгоҳ ҳовлисига қадам қўйишингиз биланоқ вужудингиз ҳузурбахш салқинликни сезади, мусаффо ҳаво қон-қонингизга сингиб, кайфиятингиз кўтарилади. Чарчоқ ва толиқишлар унутилади. Оромгоҳнинг шундоққина ёнидан оқиб ўтаётган каналнинг зилол суви бу гўзал масканга янада тароват бағишлайди.

Денгиз сатҳидан 570 метр баландликда жойлашган, салкам 19 гектар майдонни эгаллаган бу масканнинг иқлими жуда қулай: йиллик намлик даражаси 50 фоиз, қуёшли кунларнинг давомийлиги 2700 соат атрофида.

Қуёшга бўй чўзган дов-дарахтлар бетакрор ўрмонни ёдга солади. Рус, туркистон ва қрим арчалари, кедр эмани, дуб, чинор, қарағай, каштан ҳамда турли мевали дарахтлар баҳорда япроқ ёйганида, оромгоҳ ҳовлиси янада салқинлашади. Ранг-баранг атиргул, бинафша, ёронгул, райҳон ва майса-гиёҳлар ўз ифорини чор-атрофга тарқатади. Асфальт йўлакчалар четига ўрнатилган ўриндиқлар ва айвончалар отахону онахонларнинг ширин гурунглари учун айни муддао.

Бугунги кунда сиҳатгоҳда 3 та йирик ётоқхона биноси, жумладан, 5 қаватли ва 2 қаватли замонавий тураргоҳлар мавжуд. Бош иқтисодчи Дилфузахон Аҳмедованинг айтишича, бу ерда ёз фаслида бир сменада 370 нафардан 400 нафаргача дам олувчи саломатликларини тиклаб қайтадилар. Хоналар энг сўнгги русумдаги мебель, совиткич, телевизор, юмшоқ кўрпа-тўшаклар билан жиҳозланган.

Санаторийда эндиликда юрак-қон томир, марказий ва периферик асаб тизими, овқат ҳазм қилиш аъзолари хасталикларига чалинганлар ҳам самарали даволанмоқда.

ИШТАҲАНИ ОЧУВЧИ ШИНАМ ОШХОНА

Ошхона ходимларининг пазандалик маҳоратига тан бермай иложингиз йўқ. Шарқ ва ўзбек миллий таомларининг моҳир устаси – бош ошпаз Собир Туяқов ва унинг Арофатхон Султонова, Фарида Алимова, Донохон Исманова, Дилмуроджон Раҳмонбердиев, Дилафрўз Мамараҳимова ва Махсума Мухторова каби шогирдлари дам олувчилар учун кунига уч маҳал турли парҳез таомлар тайёрлашади. Дастурхонга мазали таомлардан ташқари котлет, юмшоқ булочкалар, ширинликлар, хушбўй ва сервитамин ичимликлар, сархил мевалар, сабзавот ва кўкатлар ҳам қўйилади.

Ҳамширалар Шоирахон Ниғматова ва Ҳилолахон Шарипова озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини инобатга олиб, махсус жадвал тузиб чиқишган. Бу инсон тўғри ва оқилона овқатланишини таъминлайди. Ўз навбатида, оромгоҳ гастроэнтерологлари ва терапевт шифокорлари таомномани доимий назорат қилиб боришади.

МЕҲРИ ДАРЁЛАР МАСКАНИ

Истиқлол йиллари сиҳатгоҳда бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда унда кардиолог, невролог, психолог, гинеколог, стоматолог, физиотерапевт, гастроэнтеролог ва игнарефлексотерапевт каби тор доирадаги малакали мутахассислар фаолият кўрсатишмоқда. Масканда 200 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 110 нафари махсус аттестациядан ўтган етук тиббиёт ходими саналади.

Сиҳатгоҳ бош директори Тўра Аҳмедов изланувчан олим, тиббиёт фанлари номзоди, бир нечта илмий рисола ва услубий қўлланма муаллифидир. У 2014 йилдан буён «Ботаника» санаторийсига раҳбарлик қилиб келмоқда. Унга қадар Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида, Шифокорлар малакасини ошириш институтида, Соғлиқни сақлаш вазирлигида ҳамда Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида масъул лавозимларда ишлаган. Моҳир пульмонолог-фтизиатр сифатида кўпчилик эътиборини қозонган. Унинг раҳбарлигида сиҳатгоҳда катта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янги тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб, муолажа хоналари ва сайр майдончалари янгиланди.

Тошкент тиббиёт академиясини 1966 йилда битирган терапевт-кардиолог Шаҳло Насриддинова эса 23 йилдирки, шу даргоҳда ишлайди. Отахон ва онахонлар билан мулоқот чоғида уларга инфаркт ва инсульт профилактикаси, камҳаракатлиликнинг салбий оқибатлари ҳақида фойдали маслаҳатлар беради.

Табиати соф ва пок асралган юртда ҳамиша файзу барака, инсонлар танасида эса саломатлик барқарор бўлади. «Ботаника» санаторийсининг кўп йиллик тажрибага эга шифокорлари шу тамойилга қатъий амал қилган ҳолда, жисмоний хасталикларга даво излаш билан бир қаторда, дам олувчилар қалбига илиқлик, руҳий хотиржамлик улашишни ўзларининг муқаддас бурчи деб билишади. Даволаниш муддати тугаб, уйга қайтиш тарадудига тушган дам олувчиларнинг юзидаги қувонч ва мамнуниятни кўриб, даргоҳнинг сеҳрига яна бир бор иқрор бўласиз.

Айни кезларда, 60 йиллик қутлуғ тўйини нишонлаётган «Ботаника» санаторийси бугун республикамизнинг кўркига айланган. У бетакрор табиати, замонавий тиббий имкониятлари ва ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлмиш меҳрибон ходимлари билан инсонларга саломатлик улашиб келмоқда.

Муҳаммаджон МЕЛИҚЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийси



ФАОЛИЯТ

Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз. Баъзан касал бўламиз, баъзан турли қийинчиликларга дуч келамиз. Оилавий муаммолар, фарзандларимиз билан боғлиқ ташвишлар сабаб ишга боролмаслигимиз ёки хотиржам меҳнат қилолмаслигимиз мумкин. Шундай пайтларда жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлар, ижтимоий ёрдам масалалари кўнглимизга чироқ тутади. Яъни биз корхона ёки ташкилотимизга суяниш мумкинлигини ҳис қилиб турамиз...

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – ҲАР БИР ХОДИМ УЧУН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

Ҳа, чиндан ҳам, жамоа шартномаси ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий манфаатлари ва фаровонлигини ҳимоя қилувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. У иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, ходимлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратишга асос бўлади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида жамоа шартномаларини тузиш ва ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу тариқа ходимлар ва уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Жамоа шартномаси иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилиб, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоялашга кўмаклашади. Унда иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, дам олиш ва таътиллар бериш, моддий ёрдам кўрсатиш каби масалалар ўз аксини топади. Муҳими, шартномада қонунчиликда белгиланган кафолатлардан ташқари, ходимлар учун қўшимча имтиёзлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Оғир вазиятга тушиб қолган ходимга моддий ёрдам бериш, фарзандларининг таълим харажатларини қоплаш, санаторийларда соғлиғини тиклаш ёки уй-жой ижараси харажатларини қисман қоплаш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, иш берувчи ходимларни махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан таъминлаши, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиши лозим. Касаба уюшмаси эса бу талаблар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириб, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши юзасидан зарур чоралар кўрилишига кўмаклашади.

Жамоа шартномалари орқали нафақат ходимлар, балки уларнинг оилалари, ёшлар ва фахрийлар ҳам қўллаб-қувватланади. Айниқса, кам таъминланган оилалар, фарзанд тарбиялаётган оналар, талабалар ва ёрдамга муҳтож фуқароларга кўмак бериш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида 2026 йилда амалга оширилган ишлар доирасида ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг 11 та йўналиши бўйича 12,77 миллиард сўм маблағ сарфланди. Натижада 18 696 нафар ходим ва уларнинг оилалари турли ёрдамлар билан қамраб олинди. Жумладан, кам таъминланган ёш оилаларга 3,06 миллиард сўм, уй-жой ва зарур товарлар хариди учун 210 та оилага 1,84 миллиард сўм миқдорида фоизсиз ссудалар ажратилди. Иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг 220 нафарига шартнома тўловларини қоплаш учун 1,67 миллиард сўм йўналтирилди. Шунингдек, 5 973 нафар болага дарслик ва ўқув қуроллари олиб бериш учун 1,05 миллиард сўм ажратилди. Пенсия ёшига етган ходимлар, ишламайдиган пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бола парвариши таътилидаги ёш оналарга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу рақамлар жамоа шартномалари орқали амалга оширилаётган ишлар ходимлар ва уларнинг оилалари ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади. Бундай кўмаклар оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш билан бирга, инсонларда меҳнати ва манфаатлари доимо эътиборда эканига ишончни мустаҳкамлайди.

Жамоа шартномасининг самарадорлиги унинг амалда қандай бажарилишига боғлиқ. Амалда қандай бажарилиши билан белгиланади. Шу боис у касаба уюшмаси қўмитаси ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат шароитларини назорат қилиши, муаммоларни ҳал этиши ва иш берувчи билан мулоқотни йўлга қўйишида муҳим ўрин тутади. Ходимлар ҳам жамоа шартномасини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнида фаол қатнашишлари, таклифларини билдиришлари лозим. Шартнома имзоланган кейин белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Айни пайтда фермер хўжаликларида фаолият юритаётган ишчиларни ҳам касаба уюшмаларига жалб этиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва ижтимоий кафолатлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Бу эса қишлоқ жойларида меҳнат қилаётган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилишда, уларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўланишига эришиш ва ижтимоий ёрдам имкониятларини кенгайтиришда қўл келади.

Шоҳида БЕГИМҚУЛОВА,
Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири



САЁҲАТ

АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Бухоро давлат техника университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ҳамда ишчи-ходимлари учун Тошкент шаҳрига маънавий-маърифий саёҳат ташкил этилди. Ушбу хайрли ташаббусдан кўзланган асосий мақсад – миллий ва маънавий меросимизни чуқурроқ англаш, буюк аждодларимиз томонидан қолдирилган бой илмий ва маданий хазина билан яқиндан танишиш ҳамда жамоада маърифат ва ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Саёҳатчилар дастлаб Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимизнинг ҳаёт йўли, давлат раҳбари сифатидаги кўламли фаолияти ҳамда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий хизматларини акс эттирувчи ноёб маълумотлар, фотосуратлар ва тарихий ҳужжатлар билан яқиндан танишдилар.

Саёҳатнинг кейинги манзили Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бўлди. Бу ерда сақланаётган тарихий экспонатлар, ноёб қўлёзмалар ҳамда маънавий-маданий меросимизга оид қимматли манбалар профессор-ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди. Буюк аждодларимизнинг жаҳон илм-фани, маърифати ва инсоният тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси яна бир бор эътироф этилди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва Муҳаммад ал-Хоразмий каби донишманд аллomаларимиздан қолган бой илмий мерос ҳар бир иштирокчи қалбида чексиз ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотди.

Шоира РАМАЗОНОВА,
Бухоро давлат техника университети касаба уюшма қўмитаси раиси

ИНТЕРВЬЮ

Шу йил октябрь ойида жаҳон ҳамжамиятининг эътибори яна Самарқандга қаратилди. АҚШ Давлат котиби Марко Рубионинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан музокаралар, Марказий Осиё ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг С5+1 форматидаги учрашуви ҳамда Америка – Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестициялар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу сиёсий ва иқтисодий мулоқотларнинг аҳамияти, эришилган келишувлар ҳамда Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги янги ўрни ҳақида ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, таниқли дипломат ва сиёсатчи Содиқ САФОЕВ*** *билан суҳбатлашдик.*



МАРКАЗИЙ ОСИЁ «КАТТА ЎЙИН» ОБЪЕКТИ ЭМАС

Содиқ Сафоев Самарқанд учрашувлари, Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари ва минтақанинг янги мавқеи ҳақида

– Содиқ Солиҳович, Марко Рубионинг Ўзбекистонга тарихий ташрифи халқаро ҳамжамият ва оммавий ахборот воситаларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Сиз ушбу ташриф аҳамиятини нималарда кўряпсиз?

– Дарҳақиқат, Самарқандда бўлиб ўтган музокаралар, учрашувлар ва анжуманларни ҳеч иккиланмасдан тарихий воқеа дейиш мумкин. Марко Рубиога Ўзбекистонга жўнаб кетиши олдидан «Жаноб Давлат котиби, бутун дунё инқирозлар ва низолар гирдобида турган бир пайтда нега айнан Ўзбекистонга, Самарқандга кетяпсиз?» дея савол беришди. Унинг жавоби шундай бўлди: «Тўғри, ҳозир бутун дунёда муаммолар кўп, аммо биз келажакни ҳам ўйлашимиз керак. Ўзбекистон бугун жадал ривожланаётган, кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошираётган давлат. Бундай мамлакат билан ҳамкорлик қилиш бугунги қийинчилик ва зиддиятларга ечим топишда ҳам ёрдам беради».

Ушбу жавобда Янги Ўзбекистонга, унинг раҳбари халқаро майдонда эгаллаган мавқега нисбатан ҳурмат ва ишонч мужассам десам, янглишмаган бўламан.

Самарқанддаги тадбирлар уч йўналишда ўтди. Биринчиси – Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда АҚШ Давлат котиби Марко Рубио ўртасидаги икки томонлама мулоқот. Иккинчиси – Америка – Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестициялар кенгашининг йиғилиши. Давлат котибига АҚШнинг 200 та йирик компанияси вакиллари ҳамроҳлик қилишди. Демак, кун тартибида сиёсий мулоқот билан бирга иқтисодий ҳамкорлик ва инвестицияларга ҳам жуда катта ўрин берилди. Учинчиси – Марказий Осиё ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг С5+1 форматидаги учрашуви.

Шубҳасиз, Самарқандда эришилган келишувлар ва муҳокама этилган масалалар Президентимиз ташқи сиёсатининг, янги Ўзбекистон дипломатиясининг энг салмоқли натижаларидан бири бўлди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марко Рубио билан учрашувда «Бугун биз янги тарих саҳифасини очяпмиз, янги тарих яратяпмиз», дедилар. Шу маънода, ушбу ташрифнинг айнан ҳозир амалга оширилишига сабаб бўлган омиллар ва ундан кўзланган мақсадлар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

– Марко Рубио Регистон майдонида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида бу саволга жавоб бўладиган муҳим бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтди: «Сўнгги йигирма йилда америкалик сиёсатчилар Марказий Осиёга муносиб даражада эътибор қаратишмади. Энди бу вазиятни ўзгартиришимиз керак». Менимча, ташрифнинг айнан ҳозир ўтказилишига икки асосий омил сабаб бўлди.

Биринчидан, Марказий Осиё, аввало, минтақанинг юраги бўлган Ўзбекистон ўзгарди. Ҳамкорлик бир-бирини тушуниш, қарашлар ва манфаатлар уйғунлигига таянади. Масалан, сиз гапи гапингизга қовушадиган, сизнинг дунёқарашингизга яқин бўлган одам билан ҳамкорлик қиласиз, албатта. Давлатлар ҳам шундай. Қадриятлар ишончни, ишонч эса ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Тан олиш керак, 2016 йилгача мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий тизим ташқи ҳамкорликка унчалик очиқ эмас эди. Валюта конвертацияси билан боғлиқ муаммоларни кўпчилик яхши эслайди. Ҳадиксираш, ишончсизлик ва эскича иқтисодий ёндашувлар устун эди. Ҳатто айрим мутасаддиларимиз хорижликлар билан мулоқотда «Бизга инвестиция керак эмас, иқтисодиётимизни ўзимиз ривожлантира оламиз», деган қарашни илгари сурарди.

Ўша йиллари америкалик ишбилармонлардан нега Ўзбекистонга дадил кириб келмаётганини сўрасак, улар иқтисодиёт, қонунчилик ва давлат бошқарувидаги ёпиқликни асосий тўсиқ сифатида кўрсатардилар. Бугун бу муаммоларнинг барчаси Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ўз ечимини топди.

Илгари ҳатто қўшни давлатлар билан ҳам очиқ сиёсат олиб бормаганимиз туфайли Марказий Осиёда пароканда-лик, бир-бирига рақобат кўзи билан қараш кайфияти кучайган эди. Минтақа манфаатлари ва келажаги муштарак ягона макон сифатида қабул қилинмасди. 2017 йилдан бошлаб муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуслари шарофати билан вазият тубдан ўзгарди. Бугун сиёсатчилар «Марказий Осиё руҳи» деган иборани бежиз тез-тез тилга олишмаяпти.

Иккинчидан, Америка Қўшма Штатларининг ёндашуви ҳам ўзгарди. Ҳозирги маъмурият мафкуравий масалалардан кўра, давлатларни иқтисодий манфаатлар орқали яқинлаштиришга кўпроқ урғу бермоқда. Бу бизнинг манфаатларимизга ҳам мос. Марко Рубио буни очиқ ифодалаб, АҚШ Марказий Осиё давлатлари, биринчи навбатда, Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини айтди.

– Содиқ Солиҳович, сўзларингиздан келиб чиқиб, яна бир муҳим жиҳатга тўхталсак. Муҳтарам Президентимизнинг йиллар давомидаги саъй-ҳаракатлари туфайли Марказий Осиё бугун жипс ва ишончли минтақа, халқаро майдонда эса ягона сиёсий субъект сифатида намоён бўлмоқда. Сиз бу жараённи қандай баҳолайсиз?

– Тўғри таъкидладингиз. Бугунги Марказий Осиё ҳақиқатан бирлашяпти. С5+1 форматининг ўзи ҳам бунинг ёрқин далили. Бу ерда «С5» – Марказий Осиёнинг беш давлати, «+1» эса йирик халқаро шерикни англатади. Бир йил ичида еттита юқори даражадаги мулоқот ўтказилди. Самарқандда Европа Иттифоқи билан бошланган учрашувлар Россия, Хитой, Италия, Япония ва Жанубий Корея билан давом этди. АҚШ билан мулоқот эса Вашингтонда, Оқ уйда Президентлар даражасида бўлиб ўтди.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Нега илгари Марказий Осиёга четда қолган минтақа сифатида қаралар, унинг аҳамияти асосан Афғонистон, Россия ёки Хитойга яқинлиги билан ўлчанар эди-ю, бугун у жаҳон сиёсатининг диққат марказига чиқди? Аввало, олдин минтақада стратегик мавҳумлик бор эди. «Эртага нима бўлади?» деган саволга аниқ жавоб йўқ эди. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон раҳбарияти олиб борган сиёсат натижасида бу муҳит ўзгарди. Бугун Марказий Осиё – ўз йўналишини аниқ англаётган, тобора жипслашаётган ва йирик умумий бозор сифатида шаклланаётган минтақа. Бу хорижий инвесторлар учун яхши сигнал. Улар алоҳида бир давлат билан чекланиб қолмай, қарийб 100 миллион аҳолига эга катта бозорга кириш имкониятини кўришяпти.

АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Россия минтақадаги қоида ҳамда тамойиллар жаҳон андозаларига тобора яқинлашаётганини кузатяпти. Чунки ёндашувлар ўзаро мос келмаса, узоқ муддатли ва чуқур ҳамкорликни йўлга қўйиш қийин.

Яна бир муҳим омил – табиий бойликлар ва хомашё манбалари. Литий, рух, уран ва мис каби стратегик минераллар-сиз сунъий интеллект, яримўтказгичлар ва нанотехнологиялар билан боғлиқ замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмайди. Шу маънода Марказий Осиё йирик иқтисодиётларга таъминот манбаларини диверсификация қилиш, битта бозорга қарамликни камайтириш имконини беради.

– Самарқандда эришилган иқтисодий келишувлар Ўзбекистонга қандай наф келтиради?

– Президент Шавкат Мирзиёев ташқи сиёсий доктринасининг энг муҳим ва натижадор йўналиши Марказий Осиё бўлса, унинг яна бир кучли жиҳати иқтисодий дипломатиядир. Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий манфаатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқанддаги тадбирлар навбатдаги расмий учрашув сифатида изсиз ўтиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо Президентимизнинг сиёсий иродаси ва қатъий позицияси туфайли уларнинг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгарди. Марко Рубио билан бирга АҚШнинг 200 та нуфузли компанияси вакиллари келишди. Улар орасида сунъий интеллект, нанотехнологиялар ва молия соҳасида жаҳон иқтисодиёти ривожига таъсир кўрсатаётган йирик компаниялар бор. Шулардан энг йирик 12 тасини олсак, умумий капитализацияси, яъни қиймати 12 триллион долларни ташкил қилади. Бу – ниҳоятда катта рақам. Тасаввур қилинг, Европанинг энг йирик давлатларининг йиллик ялпи маҳсулоти бундан бир неча бор камроқ.

Энг муҳими, улар билан мулоқотда 200 та ўзбек компанияси раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Илгари бундай тадбирларда асосан вазирлик, идора ва уюшмалар мутасаддилари қатнашардилар. Амалдор билан тадбиркорнинг тили эса ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Бу сафар ўзбекистонлик ишбилармонлар аниқ таклиф, бизнес режа ва ғоялари билан тенгма-тенг мулоқот қилдилар. Бу ҳам мамлакатимизда юз берган ўзгаришларнинг амалий ифодасидир.

Айримлар «АҚШ компаниялари биздан фақат ўз манфаати учун фойдаланади», деган фикрни билдиришяпти. Албатта, бизнес манфаатсиз ишламайди. Аммо Ўзбекистон ҳам бу мулоқотни ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб олиб боряпти. Бир йилда икки томонлама савдо ҳажми 30–34 фоизга, Ўзбекистоннинг АҚШга экспорти эса 60 фоизга ошди. Муҳими, экспортимизнинг катта қисмини пахта, металл ёки бошқа хомашё эмас, ахборот технологиялари хизматлари ташкил этяпти. Бу келажакда бизга катта самара беради.

– Содиқ Солиҳович, гапларингизни тинглар эканман, Президентимизнинг Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқи ёдимга тушди. Давлатимиз раҳбари 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш мақсадини белгилаган эди. Табиийки, кўпчиликни бу улкан маррага қандай эришилади, деган савол ўйлантиради. АҚШнинг 200 та йирик компанияси аниқ режа ва таклифлар билан Самарқандга келгани ана шу саволга амалий жавоблардан бири эмасми?

– Бу – жуда катта мақсад. Қиёслаш учун, 2016 йил якунида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 52 миллиард доллар эди. Бугун бу кўрсаткич 160 миллиард долларга етган. Яқин келажакда уни 300 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромадни эса 10 минг долларга етказиш мақсад қилинган.

Бунинг учта муҳим омили бор. Биринчиси – сиёсий ислоҳотлар билан уйғун ҳолда иқтисодиётни либераллаштириш ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш. Иккинчиси – хусусийлаштириш, давлат тасарруфидаги корхоналарда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш. Учинчиси – хорижий инвестициялар.

2016 йилда Ўзбекистонга йилига қарийб 2 миллиард доллар инвестиция киритилган бўлса, бугун бу рақам 35–40 миллиард долларга етмоқда. Албатта, инвестор фойда олиш учун келади. Бироқ у ўзи билан янги технология, иш ўринлари, бошқарув тажрибаси ва янги бозорларни ҳам олиб киради.

Самарқанддаги йиғилишда Boeing, General Electric ва BlackRock каби йирик компаниялар иштирок этди. Буни, ҳеч муболағасиз, жаҳон бизнеси етакчиларининг ўзига хос паради дейиш мумкин. Халқимизда «Буларни туя сўйиб чақирсанг ҳам келмайди», деган гап бор. Бу компаниялар ҳукумат топшириғи билан эмас, аниқ иқтисодий манфаат ва истиқболни кўргани учун келди.

– Ушбу компаниялар билан музокаралардан қандай аниқ натижалар кутиляпти?

– Самарқандда ҳар икки томон манфаатига мос аниқ келишувларга эришилди. 200 та Америка ва 200 та Ўзбекистон компанияси ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот бўлиб ўтди. Натижада умумий қиймати қарийб 12 миллиард долларга тенг бўлган 54 та келишув ва истиқболли ташаббуслар тўплами шакллантирилди, тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси ташкил этилди.

27 октябрда Ўзбекистонда Google Pay ва Apple Pay тўлов хизматлари ишга туширилди. GE Aerospace билан авиация технологиялари соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди. Boeing компаниясидан 22 та замонавий самолёт, жумладан, Dreamliner харид қилиш режалаштирилди. Бир қарашда, самолёт хариди оддий тижорий келишувдек туюлиши мумкин. Аслида ҳар бир янги самолёт ортида янги иш ўринлари, қўшимча авиайўналишлар ва туризм имкониятлари туради. Бугун мамлакатимиз ривожини чеклаб турган омиллардан бири маҳаллий ва халқаро авиақатновлар сони камлигидир. Йўналишлар кўпайса, сайёҳлик индустриясига ҳам, аҳолига ҳам наф келади. Самарқанд, Бухоро ва Хивада туризм ривожи маҳаллий иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Қолаверса, бу билан Ўзбекистон дунёга янада очилади.

Энергетика соҳасида кичик модулли реакторлар ва электр тармоқларини модернизация қилиш бўйича ҳам келишувларга эришилди. Энергетика – иқтисодиётнинг асосий таянчларидан бири. Иқтисодий ўсиш қўшимча энергия қувватларини талаб қилади.

Замонавий иқтисодиёт сунъий интеллект ва ахборот технологияларига таянади. Уларнинг асосида эса маълумотларни қайта ишлаш марказлари туради. Ҳозир Ўзбекистонда яна иккита шундай марказ қурилмоқда. Битта йирик маълумотлар маркази жуда катта миқдорда электр энергияси истеъмол қилади. Агар мамлакатимизни ахборот технологиялари марказига айлантирмоқчи бўлсак, янги энергетик қувватлар яратишимиз шарт. АҚШнинг юқори технологияли компаниялари билан мулоқотлар ана шу имкониятни кенгайтиради.

Президентимиз Америка – Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестициялар кенгаши йиғилишида Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги хомашё эмас, инсон капитали – ёш, истеъдодли ва малакали мутахассислар эканини алоҳида таъкидлади. Шу боис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малака ошириш бўйича ҳам қатор келишувларга эришилди.

Далласдаги Техас университети билан ҳамкорликда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Муҳандислик физикаси институти қошида Квант маркази ташкил этилган ва у бугун самарали фаолият юритмоқда. Colorado School of Mines – Колорадо кончилик мактаби билан геология ва тоғ-кон саноати учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, миллий мутахассислар малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Яна бир қувонарли жиҳат шуки, АҚШ инвестициялари Ўзбекистонга кириб келиши билан бирга, мамлакатимиз тадбиркорлари ҳам Америка иқтисодиётига сармоя киритмоқда. Масалан, AKFA Group Кентукки штатининг Боулинг-Грин шаҳрида йирик корхона қурмоқда. Корхона ишга тушгач, маҳсулотлар Шимолий, Марказий ва Жанубий Америка бозорларига экспорт қилинади. Олинган даромад Ўзбекистонда янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринлари яратишга хизмат қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ишбилармонлик нуфузини ҳам оширади.

Президентимиз муҳим минералларни қазиб олиш билан чекланмасдан, уларни қайта ишлаш ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлади. Замонавий энергетика, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва давлат бошқарувига сунъий интеллект ҳамда рақамли ечимларни жорий этиш ҳам истиқболли йўналишлар сифатида белгиланди. Ўзбекистон саноати ривожланган давлатларга фақат хомашё етказиб берувчи мамлакат бўлиб қолмаслиги, қўшимча қиймат, аввало, ўзимизда яратилиши зарур.

– Марказий Осиё йирик давлатлар манфаатлари кесишадиган ҳудудда жойлашган. Айрим экспертлар АҚШнинг минтақага қизиқишини янги «Катта ўйин»нинг бир қисми сифатида баҳолашмоқда. Геосиёсий рақобат кучайган бир пайтда Ўзбекистон қандай йўл тутиши керак?

– Самарқанд анжуманларига турлича баҳо берилаётгани табиий. Чунки Ўзбекистон савияси, кўлами ва натижалари жиҳатидан ҳар қандай давлат ҳам ўтказа олмайдиган йирик тадбирга мезбонлик қилди.

«Марказий Осиё атрофида янги «Катта ўйин» бошландими?» деган савол ҳам янграяпти. Тарихдаги «Катта ўйин» Россия ва Буюк Британия империяларининг Марказий Осиёда ҳукмронлик ўрнатиш учун олиб борган узоқ рақобатини англатар эди. Бугунги жараён у даврдаги классик «Катта ўйин»дан кескин фарқ қилади.

Биринчидан, ўша пайтда асосий ўйинчилар иккита эди. Бугун эса улар анча кўп. Бир йил ичида еттита йирик шерик Марказий Осиё давлатлари билан С5+1 шаклида мулоқот ўтказди. Бу улар минтақадан нимадир кутаётганини, бу ерда ҳамкорликка ундайдиган салоҳият ва имконият борлигини кўрсатади.

Иккинчидан, илгари Марказий Осиё «Катта ўйин»нинг объекти эди. Минтақа ўйин қоидалари ёки воқеалар ривожига таъсир кўрсата олмасди. Бугун эса Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон жараёнларининг объекти эмас, тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланмоқда. Самарқанд мулоқотлари буни яна бир бор кўрсатди.

Йирик кучлар ўртасидаги рақобатни миллий тараққиёт учун имкониятга айлантириш керак. Бунинг учун Ўзбекистон ўз манфаатига энг мос, узоқ муддатли фойда келтирадиган таклифларни танлаши зарур.

– Марко Рубио ўз нутқида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган ислоҳотларга юксак баҳо берди. Америка томонининг бундай эътирофи замирида нима бор?

– Марко Рубио кўп йил сенатор бўлган, қарашлари қатъий сиёсатчи. Менимча, у тасодифий сўз айтмайди. Президентимизга юзланиб, «Сиз ўз мамлакатингизни дунёга очдингиз ва айни пайтда дунёни Ўзбекистон учун очдингиз», деди. Бу сўзлар замирида катта маъно бор. Улар, аввало, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ифодалайди.

Илгари АҚШда Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, кўпинча муаммоли мавзулар тилга олинарди. «Жаслиқ», радикал гуруҳларга қўшилган айрим ватандошларимиз ёки хорижда оғир ва кам ҳақ тўланадиган ишларда меҳнат қилаётган мигрантларимиз ҳақида сўз борарди.

Бугун Ўзбекистон деганда, кўпчиликнинг кўз ўнгига янги технологиялар, замонавий университетлар, катта имкониятлар ва ишончли ҳамкор келяпти. Бу Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг ёрқин натижасидир. АҚШ Ўзбекистонда нафақат жозибадор бозорни, балки узоқ муддатли ва ишончли шерикни ҳам кўряпти.

– Марко Рубио ислоҳотлар билан бирга Президент Шавкат Мирзиёев жамоасининг меҳнатини ҳам эътироф этди. Ташрифга катта тайёргарлик кўрилгани ва ҳар бир жиҳат пухта ўйлангани сезилиб турди.

– Дарҳақиқат, Америка – Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестициялар кенгаши йиғилиши жуда кенг кўламли тадбир бўлди. Америкалик компаниялар раҳбарлари Самарқанд анжуманининг икки жиҳатини алоҳида эътироф этдилар.

Биринчиси – тадбир юқори савияда ташкил этилгани, барча ташкилий масалалар жаҳон андазалари даражасида ҳал қилингани. Бу Самарқанд дунё миқёсидаги халқаро анжуманлар марказига айланаётганини кўрсатди.

Иккинчиси – Ўзбекистон Президенти билан мулоқотда аввалги ва кейинги учрашувлар ўртасида узвийлик борлиги. Олдин белгиланган режаларнинг ижроси, эришилган натижалар ва навбатдаги учрашувгача бажариладиган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Бу америкалик ҳамкорларда гап узоқ муддатли стратегик сиёсат тўғрисида кетаётганига ишонч уйғотди. Айрим компания раҳбарлари «Ўзбекистон билан нафақат ўзимиз ишлаймиз, балки Америкадаги ҳамкорларимизни ҳам олиб келамиз», деб айтишди.

Марко Рубио ҳам ўз нутқида Америка томонидан Сержио Горнинг, Ўзбекистон томонидан эса Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Айни пайтда америкалик сармоядорлар учун тушунарли ва олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистонга келган инвестор маъмурий тартиб-таомилларга ортиқча вақт сарфламасдан, бизнесини тез бошлаш имконига эга бўлиши керак. Шу мақсадда «Plug and Play» тамойилига асосланган янги ёндашув жорий этилмоқда. Инвесторларга ер майдони, инфратузилмаси ва рухсат ҳужжатлари тайёр бўлган лойиҳалар таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг нутқига Давлат котиби Марко Рубио ва америкалик ҳамкорларимиз жуда катта баҳо беришганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Чунки унда тадбиркорлар учун тушунарли бўлган иборалар, тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган эди. Шакл нуқтаи назаридан ҳам нутқ қисқа, мухтасар, шу билан бирга, кучли таъсирга эга бўлди ва тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Самарқанддаги сиёсий ва иқтисодий мулоқотларнинг асосий хулосаси шуки, АҚШ Янги Ўзбекистонни, унинг раҳбари олиб бораётган сиёсатни ва мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган мавқеини эътироф этди. Минтақавий ва глобал масалалар бўйича мулоқот энди фақат бир томон манфаатидан келиб чиқиб эмас, Ўзбекистон манфаатларини ҳам ҳурмат қилган ҳолда олиб борилмоқда.

Президентимиз Марко Рубиога «Буюк хизматлари учун» орденини топширганида унинг ҳаяжони юз-кўзидан сезилиб турди. Давлат котиби «Мен бу орденни тақиб Оқ уйга кираман», деди фахр билан. Бу сўзларда Ўзбекистон раҳбарига, давлатимиз ва халқимизга нисбатан самимий муносабат ифодаланди.

Суҳбатимиз якунида яна бир фикрни таъкидламоқчиман. Ўзбекистон минтақавий миқёсдаги йирик давлатга айланмоқда. Самарқанддаги учрашувлар буни яна бир бор яққол намоён этди.

– Катта раҳмат, Содиқ Солиҳович. Самарқанд учрашувларининг тафсилотлари ва натижалари ҳали кўп таҳлил қилинади. Энг муҳими, бу жараён Президентимизнинг узоқ йиллик саъй-ҳаракатлари самараси бўлиб, унинг натижалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё халқлари манфаатига хизмат қилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
Олий Мажлис Сенати аъзоси
Ҳусан ЭРМАТОВ суҳбатлашди

ОНА ТИЛИМ – МЕНИНГ ОВОЗИМ

МУЛОҲАЗА

ЎЗБЕК ТИЛИ ҲАҚИДА КЎП ЁЗИЛГАН. УНИНГ БОЙЛИГИ, ЖОЗИБАСИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАҚИДА МАҚОЛАЛАР БИТИЛГАН, ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИЛГАН, КИТОБЛАР ЧОП ЭТИЛГАН. АММО ТИЛГА ФАҚАТ ҚОИДАЛАР ВА ЛУҒАТЛАР ОРҚАЛИ ЭМАС, УНИНГ ҲАЁТДА ҚАНДАЙ ЯШАЁТГАНИГА ҚАРАБ БАҲО БЕРИШ АДОЛАТДАН БЎЛАДИ. АЙТАЙЛИК, ТЕАТР САҲНАСИДА У ҚАНДАЙ ЯНГРАЙДИ? ЭФИРДА ҚАНДАЙ ЖАРАНГЛАЙДИ? ЖУРНАЛИСТ ҚАЛАМИДА ҚАЙ ТАРЗДА ЖИЛОЛАНАДИ? КИНО ҚАҲРАМОНИНИНГ НУТҚИ УНИНГ КИМЛИГИНИ ОЧИБ БЕРА ОЛАДИМИ? РОСТИ, ОЛДИНЛАРИ БУ ЖИҲАТЛАРГА КЎП ҲАМ ЭТИБОР ҚАРАТМАГАН ЭКАНМАН. АММО ТЕАТР ВА САНЪАТГА ИХТИСОСЛАШГАН ЖУРНАЛДА ИШ БОШЛАГАНИМДАН БУЁН БУ САВОЛЛАР МЕН УЧУН ЯНАДА АҲАМИЯТЛИ БЎЛДИ. АЙНИҚСА, САҲНАДА АЙТИЛГАН БИРГИНА СЎЗ, ТАНЛАНГАН БИРГИНА ИБОРА ЁКИ НУТҚДАГИ ОҲАНГ БАЪЗАН БУТУН ОБРАЗ ҲАҚИДА ТАСАВВУР УЙҒОТИШИНИ АНГЛАДИМ.



САҲНАДА СЎЗ ОБРАЗГА АЙЛАНАДИ

Театрда сўз актёр тилидан янграган лаҳзадан бошлаб жонланади. Унинг оҳанги, урғуси, сукути... барчаси маъно ташийди.

Шу маънода театрни тилнинг ўзига хос лабораторияси, дейиш мумкин. Унда адабий тил, халқона ифодалар, тарихий даврга хос сўзлар ва шева унсурлари учрашади. Ижодкорлар ҳар бир қаҳрамонга қайси тил воситаси мос келишини белгилашади.

Нотўғри танланган сўз образнинг ишончлилигини сусайтиради, ўрнида қўлланган халқона ибора эса қаҳрамонни томошабинга яқинлаштиради. Демак, театрда тил фақат мулоқот воситаси эмас: у образ яратади, даврни акс эттиради, инсоннинг ички дунёсини очади.

ШЕВА – БОЙЛИКМИ ЁКИ ТЎСИҚ?

Ўзбек тилининг бойлиги адабий тил билангина чекланмайди. Шеваларда ҳам халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи ва дунёқараши мужассам. Шунинг учун шевани тилнинг камчилиги эмас, ранг-баранглиги, деб билиш керак.

Бироқ ҳар қандай тил воситасидан ўринли фойдаланиш муҳим. Кенг аудиторияга мўлжалланган эфирда бошловчи ёки журналистнинг нутқи кўпчиликка тушунарли ва адабий тил меъёрларига мос бўлиши шарт. Афсуски, бугун айрим радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда бошловчиларнинг шевада гапиришларини оддий ҳол сифатида қабул қилишга ўргандик. Аслида бошловчи миллионлаб одамларга мурожаат қилар экан, унинг нутқи нафақат шахсий мулоқот, балки оммавий нутқ намунасига айланишини унутмаслиги лозим.

Бу шевани инкор этиш эмас, балки унинг ўрнини тўғри белгилашдир.

Шева саҳна асарларида қаҳрамон образини ишончлироқ кўрсатишга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Аммо у масхара ёки кулги воситасига айланмаслиги лозим. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай саҳна асарида шева – образнинг безаги эмас, унинг характерига айланади.

ЖУРНАЛИСТ ТИЛИ – КАСБ МАСЪУЛИЯТИ

Тилнинг ҳаёти театр саҳнаси билан тугамайди. У саҳнадан эфирга, газета саҳифасига, радио тўлқинига, бугун эса ижтимоий тармоқлар ва турли рақамли платформаларга чиқади. Бу жараёнда журналистнинг масъулияти алоҳида.

У ҳар куни одамлар билан тил орқали мулоқот қилади: интервью олади, хабар ёзади, мақола тайёрлайди, эфирга чиқади, воқеани шарҳлайди. Баъзан бир воқеа ҳақида юзлаб одамлардан аввал айнан журналист гапиради. Шундай экан, журналистнинг тили унинг шахсий услубигина эмас, шу тилда сўзлашувчи халқнинг ҳам мулкига дахлдор.

Биз баъзан «Ахборот тез бўлиши керак», «Матн қисқа бўлиши зарур», «Замонавий аудитория узун матнни ўқимайди» деган қарашлар билан уқувсизлигимизни хаспўшлаймиз. Қисқалик ва лўндалик – камбағаллик, оддийлик – саёзлик, замонавийлик эса ҳар бир гапга хорижий сўзларни аралаштириш дегани эмас. Аксинча, замонавий журналистнинг маҳорати мураккаб фикрни содда, аниқ ва таъсирчан услубда ифода эта билишидадир.

ЎЗБЕК ТИЛИ – МЕНИНГ КАСБИМ ТИЛИ

Мен учун ўзбек тили фақат она тилим эмас, касбим тили.

Ҳар куни унинг ёрдамида одамлар билан мулоқот қиламан, воқеаларни қоғозга тушираман, фикрни сўзга, сўзни гапга айлантираман.

Баъзан битта сўз устида узоқ ўйланаман. Қайси ифода фикрни аниқроқ беради? Қайси жумла ўқувчига табиийроқ етиб боради? Қайси сўз ортиқча? Қай бирини асраб қолиш керак?

Бу, бир қараганда, кичик танловдек. Аммо аслида журналистнинг тилга муносабати ана шу кичик танловларда кўринади.

Тилни севиш фақат у ҳақда чиройли гаплар айтишдан иборат эмас, балки уни асраб-авайлаш, имкониятларини билиш, бойлигидан ўринли фойдаланишдадир.

ТИЛ – МИЛЛАТ ОВОЗИ

Тилнинг тақдири фақат тилшуносларга боғлиқ эмас. Тил унда сўзлайдиган, сўзлашадиган ҳар бир инсон қиёфасига таъсир кўрсатади. Журналист матн ёзади, актёр сўзни саҳнада жонлантиради, ўқитувчи уни ёш авлодга ўргатади, ёзувчи эса бадиий имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбек тили музейда сақланадиган экспонат эмас. У саҳнада янграйди, эфирда эшитилади, газета саҳифасида фикрга айланади, интернетда янги авлод билан мулоқот қилади. Энг муҳими, у кундалик ҳаётда инсондан инсонга ўтади.

Тил яшаса, сўз яшайди. Сўз яшаса, фикр яшайди. Фикр яшаса, миллат овози яшайди!



Гулжаҳон САИД,
журналист

35 ЙИЛ ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

ТАДБИР

Мустақиллик тенгдоши, юртимиз тараққиёти ва медиа майдонида ўз ўрнига эга нашрлар – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъсис этилганига 35 йил бўлди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Чинобод Плаза» санаторийсининг конгресс залида халқаро илмий-амалий конференция, Касаба уюшмалари саройида эса тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, газеталар таҳририятида фаолият юритган фахрийлар, даврий нашрлар бош муҳаррирлари, журналистлар ҳамда жамоатчилик фаоллари қатнашдилар.

Тадбир аввалида таҳририятда узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаётган бир гуруҳ ходимларга газеталарнинг 35 йиллиги муносабати билан таъсис этилган эсдалик нишонлари ва ташаккурномалар топширилди.


«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 1991 йил 1 январдан ўзбек ва рус тилларида ҳафтасига беш марта чоп этила бошланган. Муҳим мавзулардаги дадил чиқишлари билан қисқа вақт ичида ўқувчиларнинг севимли нашрларига айланган. Унга Аҳмаджон Мухторов, Анвар Жўрабоев, Аббосхон Усмонов каби таниқли журналистлар муҳаррирлик қилган. Айни пайтда жамоа моҳир публицист Ўткир Раҳмат бошчилигида долзарб мавзуларни кўтариб келмоқда.

– 24 йилдан буён шу ерда ишлайман, – дейди таҳририят мусаҳҳиҳи Муҳаббат Бекқулова. – Ўтган давр мобайнида газетамиз нафақат мазмунан бойиди, балки иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ҳам юксалди. Ҳалол меҳнатларимиз эвазига фарзандларимизни ўқитдик, тўйлар қилдик, жамият ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшдик, албатта бундан беҳад хурсандмиз.

Тадбирда газетанинг шонли тарихига бағишланган видеоролик намойиш этилди. Унда жамоа ходимлари қўлга киритган ютуқлар батафсил кўрсатиб берилган. Шунингдек, таҳририятда ишлаган марҳум ижодкорлар ҳам хотирланди.

Тантанали тадбир санъат усталарининг чиқишлари билан давом этди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

МАЪНАВИЯТ ВА ЎЗЛИК ТАЛҚИНИ



Маънавият, сўз эркинлиги, ижодкор масъулияти ва Ватанга муҳаббат... Мазкур тушунчалар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукурнинг «Мегаполисдан Ҳимолай чўққисигача» китоби («Маънавият» нашриёти, 2026 йил)да яққол очиб берилган. Бу ўқувчини инсон ва жамият тақдири ҳақида чуқурроқ ўйлашга ундайди.

Асосан ҳаётий кузатишлар, тарихий далиллар, адабий мисоллар ва фалсафий мушоҳадалардан иборат мақолаларда маънавиятни асраш, миллий қадриятларни эъзозлаш ва илм-маърифатни қадрлаш ғоялари етакчилик қилади. Инсоннинг ички дунёси билан жамиятнинг маънавий қиёфаси ўртасидаги узвий боғлиқлик очиб берилади. Тараққиёт моддий бойлик, замонавий технологиялар ва шаҳарсозлик билан эмас, илмга муносабат, китобхонлик даражаси, инсон қадрига эътибор ва маънавий камолот билан ҳам белгиланиши таъкидланади.

Ҳақиқий ижод халқ дардига малҳам бўлиш, миллат муаммоларини англаш ва инсонларни эзгуликка чорлаш билан қадрлидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Эшқобил Шукур ижодида сўзга садоқат, фикр учун масъулият ва ҳақиқатни англашга интилиш муҳим ўрин тутади.

Ҳар бир инсон ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга, аммо айтган сўзининг мазмуни, мақсади ва жамиятга таъсири ҳақида ўйлаши зарур. Эркин фикрлашни чеклаш жамият тараққиётига тўсқинлик қилса, эркинлик баҳонасида зўравонлик тарғиби ёки бошқалар шаъни, қадр-қимматига тажовуз ўта зararлидир. Фожиаларни сенсацияга айлантириш, жиноятларни қайта-қайта намойиш этиш руҳиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис ахборот тарқатувчилар тезкорлик билан бир қаторда, холислик, одоб ва маънавий масъулиятни ҳам устувор билишлари керак. «XXI аср ўйлари» мақоласида муаллиф сўз эркинлигини улуғ неъмат деб билади, бироқ уни масъулиятдан ажратиб бўлмаслигини изоҳлаб беради.

Бу муаммолар «Мегаполисдан Ҳимолай чўққисигача» мақоласидаги мушоҳадалар билан уйғунлашади. Унда замонавий инсон ахборот оқими ичида яшаётган бўлса-да, ҳар доим ҳам теран тафаккур ва мазмунли билимга эга бўлмаётгани ҳақида сўз боради. Одамларнинг илмий кашфиётлар ва маърифий янгиликлардан кўра, жанжал, можаро ва шов-шувли воқеаларга кўпроқ қизиқиши жамиятда нималар қадрланаётгани борасида жиддий ўйлашга ундайди.

Порсохон Шамсиевнинг Алишер Навоий асарларини, жумладан, «Хамса»ни нашрга тайёрлашдаги хизмати, Солиҳ Муталлибовнинг Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари таржимасидаги меҳнати миллий маънавий меросни асрашга қўшилган улкан ҳиссадир. Қўлёзмаларни ўрганиш ва уларнинг ишончли матнини яратиш йиллар давомида тўпланган билим, сабр ва масъулиятни талаб қилади. «Сув келтирган азизми, кўза синдирган?» мақоласида жамиятда кимлар ҳақиқий ҳурматга лойиқлиги масаласи кўтарилиб, миллат тараққиётига хизмат қилган олимлар, маърифатпарварлар меҳнати кўпинча эътибордан четда қолиши қаламга олинади. Уларни хизмати, билими, ҳалол меҳнати ва маънавий қиёфасига кўра баҳолаш зарурлиги уқтирилади.

«Одам» мақоласида тун қоронғусида хона йўлагидан ўтиш жараёни тасвирланар экан, зулмат фақат ёруғлик йўқлиги сифатида эмас, балки инсоннинг ички дунёсига назар ташлаш имконини берувчи ҳолат сифатида талқин қилинади. Эшик тирқишидан тушаётган нурни кўрганда «Ассалом, Нур! Ассалом, Ҳаёт!» деган хитоб неъматларни қадрлаш ва умидни йўқотмасликка этади. Нур тимсоли орқали инсон қоронғу дамларда ҳам умид учқунини кўра билиши, ҳаётга ишонч билан қараши зарурлиги ифодаланади.

Туғилиб ўсган ерга меҳр ҳиссий туйғулар билан ўлчанмайди, унинг тарихи, хотираси ва ўзлигини англаш муҳим ҳисобланади. Кўчиб кетган кишининг фарзанди касал бўлганда туғилган еридан бир кафт тупроқ келтириб, ёстиғи остига қўйишда ҳам бир ҳикмат бор. Бунда тупроқ аждодлар хотираси ва ўз юртига мансублик туйғусини ифодалайди. Ватанни англаш парча ерни англашдан бошланиб, отадан қолган дарахт, эски хотиралар, меҳр ва авлодлар давомийлиги билан белгиланади. Ўз тарихи, тили, маданияти ва аждодлар меросини қадрлаган борки, ўзлигини яхши англайди, келажак олдидаги масъулиятини чуқурроқ ҳис этади. Шу каби инсоннинг ички дунёси ва ўзлиги ўртасидаги боғлиқлик «Ўзлигим – ўзбеклигим»даги илк бўлимда теран очиб берилади.

Устозга ҳурмат шогирдлик бурчидир. «Самимият сурати» мақоласида муаллиф ўз ҳаётида из қолдирган ўқитувчиларини меҳр ва эҳтиром билан эслар экан, ҳақиқий устоз фақат билим бериш билан чекланмаслигини, шогирдининг дунёқараши, хулқ-атвори ва ҳаёт йўли шакланишига таъсир кўрсатишини, унинг самимияти, фидойилиги хотирада умрбод сақланишини айтади. Жамиятнинг маънавий бойлиги нафақат буюк олимлар ва машҳур ижодкорлар меросида, балки кундалик ҳаётда эзгу ишлар қиладиган оддий инсонлар фаолиятида ҳам намоён бўлишини очиқлайди.

«Элсизлик – бу йўлсизликдир» деган фикр жамиятнинг бирлиги ва тараққиёти ўртасидаги чуқур боғлиқликни ифодалайди. Йўл инсонни манзилга етказса, эл унга таянч бўлади. Жамият фақат бир ҳудудда яшайдиганлар йиғиндиси эмас, балки ўзаро ҳурмат, ишонч ва умумий масъулият билан бирлашганлар бирлигидир. Катта шаҳарларда бир-бирига яқин яшайдиганлар баъзан қўшнисининг ҳаётидан бехабар қолиши мумкин. Бироқ тараққиёт одамларни бир-биридан узоқлаштирмаслиги, самимий муносабатларни сусайтирмаслиги керак. Ҳаётдан олинган сабоқ ва чиқарилган хулосалар «Йўл-йўлакай» номи остида берилиб, ундаги «Эл ва йўл» таҳлилида муаллиф юқоридаги фикрларни куюнчаклик билан баён этади. Қишлоқ ва шаҳар ҳаётини қиёслаш орқали одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг аҳамиятини англатади.

Инсон ўз тарихини билгани ва она тупроққа меҳр билан муносабатда бўлгани сари ҳаётнинг асл маъносини теранроқ тушунади. Зеро, ҳақиқий бойлик қалб поклигида, миллат қудрати эл бирлигида, Ватан муқаддаслиги уни асраб-авайлашдадир. Эшқобил Шукурнинг «Мегаполисдан Ҳимолай чўққисигача» китобидаги барча мақолалар ўзлик ва миллат келажаги ҳақидаги мана шундай яхлит фалсафий қарашни шакллантириши билан китобхон меҳрига сазовор бўлади.

Салим АБДУРАҲМОН

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),

Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o‘rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 00:40
Topshirildi – 01:20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 013 ta
Shundan: 6 498 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;

19 324 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-1111**

1 2 3 4 5 6